БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 236 (19.907). • 1987 йил 15 октябрь, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

## ШАНБА ВА ЯКШАНБАДА ҲАММАМИЗ ЁППАСИГА ДАЛАГА!

Республикамиз «оқ олтин» ўлкаси. Биз пахтамизни бойлигимиз, ифтихоримиз, ор-номусимиз деб атаймиз. Лекин бу йил пешона тери билан етиштирилган ана шу ҳосилимиз хавф остида турибди. Бу эса тани-жони соғ ҳар бир одамни пахта даласига — жасорат майдонига чорламоқда.

Бугунги кунда тайёрланаётган кундалик ўсиш талабга жавоб бермайди. Об-ҳавонинг мана шу очиқ кунларидан оқилона фойдаланайлик. Бунинг учун ҳар бир пахтакор, механизатор, ҳашарчи ўз куч-имкониятларини икки-уч карра оширишлари, мисли кўрилмаган уюшқоқлик, ишчанлик, моҳирлик фазилатларини намойиш этишлари керак.

Биз олимларнинг ўрни ҳам пахтазорда! Шундай экан, биз зарбдор ой — октябрнинг ҳар бир кунида 2,5—3 процентдан пахта тайёрлашга эришайлик. Бунинг учун биз катта-кичик барчани ишчи, олим, ёзувчи, санъаткор, шифокор, студент, пенсионер, уй бекаларини 17-18 октябрда коммунистик шанбаликка, пахта даласида жасорат кўрсатишга чақирамиз.

**Т. РАШИДОВ,**
**Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти.**

**А. ГЛУШЧЕНКО,**
**Ўзбекистон ССР Фанлар академияси академик секретари.**

**Ж. МУСАЕВ,**
**Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиуми бош илмий котиби.**

# ОКТЯБРЬ ИШЛАРИМИЗДА ДАВОМ ЭТМОҚДА

## Ленинград активлари билан учрашув

ЛЕНИНГРАД, 13 октябрь. (ТАСС махсус мухбирлари). Бугун Смольнийдаги Мажлислар залида М. С. Горбачев партия ветеранлари, революцион воқеаларнинг қатнашчилари, беш йилликларнинг зарбдорлари, Ленинград партия ташкилоти активлари билан учрашди.

Йиғилганлар КПСС Марказий Комитетининг Бош секретарини қарсаклар билан кутиб олдилар. Ветеранлар билан биргаликда Ленинград ҳозирги меҳнат гвардиясининг қаҳрамонлари, фан ва маданият арбоблари залда тўпландилар.

Учрашувни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари Ю. Ф. Соловьев очди.

— Бизнинг учрашувимиз, деди у, Октябрнинг шонли юбилейи арафасида ўтмоқда. Бундан 70 йил муқаддам улуғ Ленин Совет ҳокимиятини эълон қилган, ғолиб халқнинг Сулҳ тўғрисида, Ер тўғрисида дастлабки Декретлари қабул этилган Смольнийнинг тарихий залида, бу ерда, мана шу залда даврларнинг узвий боғлиқлиги, шонли революцион анъаналар давомийлигининг буюк кучи айниқса яққол сезилади.

Улуғ Октябрь Ватанимизнинг бугунги ишларида давом этмоқда. 1985 йил апрелидан кейин социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш ва ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини қайта қуриш юзасидан кўламлари жиҳатидан улкан ва моҳияти жиҳатидан революцион иш авж олдириб юборилди.

Партия ишлаб чиққан сиёсий йўл халқ иродаси ва манфаатларини бутун ва тўлалигича акс эттиради. Ленинградликлар партиямизнинг мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш ҳаётини демократиялаш, ошкораликни ривожлантириш, тартиб, уюшқоқлик, интизомни мустаҳкамлаш, топширилган иш учун кадрлар масъулиятини ошириш йўлини тўла қўллаб-қувватламоқдалар.

Партия ветеранлари номидан 1925 йилдан КПСС аъзоси Н. С. Сорокин сўзга чиқди. У партия ветеранларининг ёшлар орасида олиб бораётган ишлари ҳақида гапирди. Биз қайта қуришдан четда турганимиз йўқ. Ўринбосарларни тарбиялашни ўзимизнинг асосий вазифамиз, деб биламиз. Бу осон вазифа эмас. Ёшлар билан рўй-рост, очиқчасига гаплашишга ҳаракат қиляпмиз. Ёшларда бугунги ишларга ҳам, мамлакатимиз тарихига ҳам қизиқиш ортиб бораётганини сезиб турибмиз. Ёшларимиз тарихни билишлари ва у билан фахрланишлари керак. Уларнинг биз қаердан келиб чиққанлигимизни билмай ўсишларига йўл қўйиб бўлмайди, — деб таъкидлайди нотиқ.

Ленин шаҳри меҳнатчилари Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини кутиб олар эканлар, мамлакатимизда амалга оширилаётган революцион ўзгартиришларга ўзларининг дахлдор эканликларини янада кучлироқ ҳис этмоқдалар, деди учрашувда «Кировский завод» бирлашмасининг станокчилари бригадири, Меҳнат Шуҳрати орденининг тўла кавалери В. С. Алешников. Ленинградликлар қайта қуришнинг тақдири аслида социализм тақдири эканлигини ақл-заковатлари ва қалблари билан тушуниб, қайта қуришни қаттиқ туриб амалга оширмоқдалар. В. С. Алешников 1985 йилда М. С. Горбачев Ленинградга келгандан кейин бўлиб ўтган ўзгаришлар тўғрисида гапириб, ишчилар кўпгина проблемаларга бошқача назар билан қараганликларини, фақат хўжалик юритиш ва бошқариш принципларида эмас, балки партия ишининг форма ва методларида ҳам қайта қуришни бошлаганликларини таъкидлади. Бўшашувчиликка қарши ҳужум кучайди, план топшириқларини, шартнома мажбуриятларини бажариш учун, тартиб ва интизом, ишлаб чиқариш маданияти учун партиявий талаб кучайди. Эришилган натижаларга танқидий муносабатда бўлиш хотиржамлик ва бепарволикни қисиб чиқармоқда, қуйидан бўладиган ташаббус тобора кўпроқ сезилмоқда.

«Всеволожский» совхозининг механизатори, Меҳнат Шуҳрати орденининг тўла кавалери, Бутуниттифоқ хотин-қизлар кенгашининг аъзоси А. С. Логинова қишлоқ вакиллари номидан сўзга чиқди.

— Яширишнинг ҳожати йўқ, умуман чакки бўлмаган бизнинг коллективимизда бир йил олдин кўпгина раҳбарлар ва ишчиларга қайта қуриш ҳаётимизга олиб келаётган янгиликларни қабул қилиш оғир ботар эди, — деди механизатор. Сўнгра у хўжалик юритишнинг янги формасига ўтиш чоғида коллектив дуч келган проблемаларга, хўжаликдаги ўзгаришларга тўхталди. Совхозларнинг ўзлари бозорларда сабзавот билан савдо қилмоқдалар, бевосита дала-магазин алоқалари асосида сабзавот етказиб бериш, сабзавотларни жойларда сақлаш учун ғамлаб қўйиш анча кўпайди. Ҳозир совхоз ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплашга ўтишга тайёргарлик кўрмоқда. Сарф харажатларни контрол қилишнинг чек формаси, коллектив пудрати асосида ишламоқда. Пулни бухгалтериядагиларгина эмас, ҳамма ҳисоблайдиган бўлиб қолди. Бу ишда ҳар бир коммунистнинг, совхоз ҳар бир меҳнатчисининг роли белгилаб қўйилди.

«Давлат амалий химия институти» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Б. В. Гидаспов минбарга чиқади. У Ленинград корхоналари ва ташкилотлари меҳнаткашлари Октябрнинг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан қабул қилган мажбуриятларини бажариш учун нақадар зўр ғайрат билан меҳнат қилаётганликлари ва айни пайтда КПСС, Марказий Комитети ва ҳукумат бошқаришнинг юқори бўғинларини иқтисодий ислоҳ қилиш юзасидан қабул қилган асосий ҳужжатлар базасида тўла хўжалик ҳисобига ўтиш учун жуда катта иш олиб бораётганликлари тўғрисида гапирди. Бу ҳужжатлар жуда муҳим бўлиб, улар хўжалик юритишнинг социалистик усулини янада такомиллаштириш учун ишончли негиздир. Жамиятнинг барча қатламлари, деярли барча хўжалик раҳбарлари, ишчилар, олимлар қайта қуриш соҳасига қўшилдилар, партия комитетларида экономикамизни қайта ташкил этиш муаммолари, бошқаришнинг иқтисодий методларига ўтиш, инсон омилини кучайтириш муаммолари ҳаяжон билан чуқур муҳокама қилинмоқда, деб таъкидлади нотиқ.

Онкология илмий-тадқиқот институтининг директори, СССР Медицина фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси Н. П. Напалков соғлиқни сақлаш муаммолари тўғрисида гапирди. Бу соҳада кўп иш қилинди ва биз бу билан ҳақли равишда фахрланамиз. Лекин ҳаёт бир жойда турмайди: кеча бизга маъқул бўлган нарсалар бугун бизни қониқтира олмайди. Соғлиқни сақлаш ислоҳоти етилди, унинг асосий йўналишлари Марказий Комитет билан Министрлар Советининг халқ саломатлигини муҳофаза қилиш ҳақидаги лойиҳасида ўз ифодасини топди. Академик соғлиқни сақлашни қайта қуришда, медицина фани ролига алоҳида тўхталди. Ленинградда соғлиқни сақлашнинг интеллектуал потенциали жуда юксак, моддий-техника базасининг ожизлиги ҳаммамизни жуда ташвишга солмоқда. Академик ленинградликларнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги тажрибаси тўғрисида гапириб, шаҳардаги барча корхоналарда тузилган «Меҳнат коллективларининг сиҳат-саломатлиги» комплекс тармоқ программаларини амалга ошириш устида тўхталди.

Сўнгра йиғилиш аҳли ҳузурида М. С. Горбачев нутқ сўзлади. Унинг нутқи эътибор билан тингланди ва давомли қарсаклар билан бўлиниб турди.

Смольнийдаги учрашув Марказий телевидение ва «Интервидение» каналлари орқали олиб кўрсатилди.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Л. Н. Зайков қатнашди.





Суратда: Смольнийнинг Мажлислар залидаги учрашув пайти. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев нутқ сўзламоқда.

ТАСС телефотоси.

# РЕВОЛЮЦИЯ ПАРТИЯСИ — ҚАЙТА ҚУРИШ ПАРТИЯСИ

## *М. С. Горбачев нутқи*

Азиз ўртоқлар!

Сизларни, барча ленинградликларни Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети номидан астойдил табриклайман. Партия, меҳнат ветеранларини, гражданлар уруши, Улуғ Ватан уруши ветеранларини, ишлаб чиқариш илғорларини, Ленинград зиёлиларини, партия, совет, хўжалик, касаба союз, комсомол активларини чин кўнгилдан табриклайман. Бу ерда айтилган сўзлар учун сизларга миннатдорчилик билдираман, бу сўзларда ленинградликлар партиямизнинг, Марказий Комитетнинг, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва Совет ҳукуматининг фаолиятини бажонидил қўллаб-қувватлаётганликларини эшитдим.

Азиз Николай Степанович Сорокин, биз қайта қуриш деб атаётган катта ишимизни ветеранлар қўллаб-қувватлаганликлари учун сизга раҳмат. Бугун биз сиз билан Балтика заводида суҳбатлашдик. Сизнинг буюк меҳнат ва партиявий жасоратингиз учун катта партиявий раҳмат. Улуғ Октябрь ишини давом эттиришдек қийин вазифаларни ҳал этишда бугунги авлодларимиз ибрат олса бўладиган кишиларимиз кўп. Азиз ўртоқлар, шу кунларда, Октябрнинг 70 йиллиги арафасида сиз, ленинградликларнинг орангизда турганимдан хурсандман! Бундан инсоний ҳузур олдим. Ғоят мамнунман. Мен шаҳрингизда қисқа вақт бўлсамда, бир талай суҳбатлар ўтказилди, шу суҳбатларда ленинградликларнинг кайфияти яхши эканини сезиб олдим. Шу суҳбатлардаги энг муҳим нарса — шаҳарда ва областда қайта қуриш кучайиб бораётганлигидан иборат бўлди. Ленинградликларнинг руҳи мустаҳкамланиб бормоқда. Улар кейинги икки йил мобайнида яна ҳам ташаббускор бўлиб қолдилар. Одамлар қадди-қоматларини ростлаб олиб, ўзларини мамлакатнинг, шаҳар ва областнинг хўжайинлари деб ҳис қилмоқдалар. Бу — жуда катта ўзгариш. Бу ўзгариш пировард натижада ленинградликларнинг кайфиятида ҳам устун бўлиб қолади, деб умид қиламан, бу эса, ўртоқлар, ҳал қилувчи омил эканини умумий тарихимиздан ва Ленин шаҳрининг тарихидан биламиз. Инсон — қайта қуришнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучидир. Руҳи бардам, ўзига ишонган, сиёсатга эътиқодли, ишни биладиган инсон жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида, таъбир жоиз бўлса, социалистик давлатимиз тарихининг бурилиш босқичида биз ҳал этаётган жуда катта вазифаларнинг муваффақиятини албатта таъминлайди. Худди шу борада ленинградликлар менда жуда катта таассурот қолдирдилар.

Ҳар биримиз бу ерда, 1917 йилнинг октябрь кунларидан муқаддас хотира бўлиб қолган Смольнийнинг оқ мармар залида турганда зўр ҳаяжонга тушиши, менимча табиий бир ҳол. Владимир Ильич Ленин қўзғолонни пайсалга солиш ҳалокатга тенг эканини англаб, 25 октябрга (7 ноябрга) ўтар кечаси бу ерга, революция штабига келган эди. Шу ердан, Смольнийдан: зарурлиги тўғрисида большевиклар ҳамма вақт гапириб келган революция амалга ошди! — деган сўзлар янграган эди. Шу ердан Октябрь бутун мамлакат бўйлаб одим ташлай бошлаган, унинг ғоялари бутун дунёга ёйилган эди.

Ишчилар синфи Октябрь революциясининг қудратли, етакчи кучи бўлди. Питер пролетарлари доимо унинг биринчи сафларида бордилар. Улар Россиядаги учқала революциянинг ташаббускорлари бўлган, ишчилар синфи кайфияти, талаб-эҳтиёжлари, муддаоларининг сезгир барометри бўлган эдилар. Улар ҳақида В. И. Ленин бундай деган эди: «Питер ишчилари — Россия ишчиларининг кичик бир қисмидир. Лекин улар — Россия ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг, энг яхши, илғор, энг онгли, энг революцион, энг мустаҳкам отрядларидан биридир. Қуруқ гапларга, бетайин умидсизликларга, буржуазиянинг дўқ ва пўписаларига ҳаммадан камроқ бериладиган отрядлардан биридир».

Ленин партияси ишчилар синфининг раҳбари, халқдаги бутун жонли ва ҳалол хислатларнинг тимсоли бўлиб майдонга чиқди. У Россия меҳнаткашларини эски дунёни штурм қилишга отлантирди. Октябрь кунларида ҳам, социализм қурилишининг бутун кашшофлик йўлида ҳам, қайта қуришнинг ҳозирги кунларида ҳам партия совет жамиятимизнинг сиёсий, ғоявий, маънавий авангарди бўлиб келди ва шундай бўлиб турибди.

Октябрь қўзғолони арафасида Ленин зудлик билан ҳаракат қилишга даъват этиб, бундай деб ёзган эди: большевиклар партиясининг бутун ор-номуси шубҳа остида турибди. Партиянинг ор-номусини, унинг обрў-эътиборини эҳтиёт қилиб асраш — тўғри сиёсат ишлаб чиқиш ва уни эълон қилишдангина иборат эмас. Бу — ҳеч чўчимай, дадил ҳаракат қилиш, белгиланган режаларни сабот билан амалга ошириш, берилган ваъдаларни бажариш демакдир. Ленин раҳбарлигидаги дастлабки марксистик тўгараклардан ўз тарихини бошлаган Ленинград партия ташкилоти мана шу ленинча анъанани йиллар оша давом эттириб келмоқда. Ҳа, 1917 йил апрелида Владимир Ильич Ленинга топширилган биринчи партия билетини унга тилларда достон бўлган Виборг томони большевиклари ёзиб берган эдилар. Ленинградликлар, Ленинград социалистик революцияни большевикча сўзи ва иши билан тайёрлаган, унинг ғалабасига, янги турмуш қуришга бебаҳо ҳисса қўшган минглаб матонатли партия аъзоларининг номларини ёдда тутади.

Социализмнинг мустаҳкам индустриал базасини вужудга келтиришга Ленинград салмоқли ҳисса қўшди. Вазифаларнинг янгилиги уларни ҳал этишга ижодий ёндашишни талаб қилар эди. Шу сабабли, ленинградликлар ҳам техника, ҳам экономика соҳасида, ҳам ишлаб чиқаришни ташкил этиш соҳасида изланишлар билан шуғулландилар.

К. Маркс номли завод меҳнаткашларининг биринчи муқобил плани, «Севкабель»нинг биринчи техника-саноат-молия планлари, Ленин номли Нева машинасозлик заводидаги дастлабки хўжалик ҳисоби бригадалар, «Красний виборжец» заводида социалистик мусобақа тўғрисида тузилган ва сўнгра минглаб коллективлар қўшилган дастлабки шартномалардан бири — мана шуларнинг ҳаммаси хўжалик юритишнинг социалистик усуллари хазинасидан абадий жой олди.

Улуғ Ватан уруши йилларида Ленин шаҳри матонат, мардлик, ғалабага ирода рамзи бўлиб қолди. 900 кунлик қамал инсон табиатидаги энг муҳим, энг порлоқ хислатни — унинг ҳаёт йўлида жасорат кўрсатишга, фидокорликка қобил эканини намоён этди. Минг-минглаб ленинградликлар — Пискарев қабристонига дафн этилганлар. Она-Ватан уларнинг осойишталигини доимо муҳофаза этиб турсин, бу қайғули хотира қалбларимизда абадий яшайверсин!

Ленинграднинг жасорати — халқ, совет ватанпарварлиги руҳининг битмас-туганмас қудратини кўрсатувчи энг ёрқин далилдир. Ладога йўли орқали ўтган ҳаёт йўлини бутун мамлакат қўллаб-қувватлаб турди. Курашаётган Ленинград келгусидаги ғалабага ишонч туйғуларини бахш этиб, бутун мамлакатга ёрдам берди. Қаттиқ туриб бардош бердик, ғалаба қозондик!

Бугун биз партия ветеранларига, революцион воқеаларнинг, гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига, беш йилликларнинг зарбдорларига сидқидилдан ташаккур сўзларини айтамиз. Улар шунга муносибдирлар. Биз шу ерда, мазкур залда ҳозир бўлганларга ҳам, унинг ташқарисидагиларга, мангу кўз юмган кишиларга ҳам мана шу самимий сўзларни айтамиз. Сизларнинг жасоратингизни, фидокорона меҳнатингизни Ватан, партия ҳеч қачон унутмайди!

Ленинградликларнинг бугунги ишларидаги, биз қайта қуриш деб атаётган қийин, масъулиятли ишдаги намуналарини КПСС Марказий Комитети юксак қадрлайди. Икки йилдан кўпроқ вақт муқаддам шу залда сиз билан биз социализм тараққиётининг биз бошлаган янги тарихий босқичида мамлакат олдида турган муаммолар тўғрисида ишчанлик билан рўй-рост гаплашиб олган эдик. Бу менинг Марказий Комитет қарорига мувофиқ Бош секретарь вазифаси зиммамга юклатиб қўйилганидан кейинги биринчи командировкам эди. Биринчи командировканинг адреси тасодифан танланмаган эди. Ленинград, унинг ишчилар синфи, меҳнаткашлари, Ленинград партия ташкилотининг давлатимиз турмушида, партия белгилаган ўзгаришларни амалга оширишда ўйнайдиган роли шуни белгилаб берган эди.

Ўшанда, 1985 йилнинг баҳорида мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш йўллари зўр ғайрат билан қидирилаётган эди. Социализмнинг тақдири шу қидирувнинг натижаларига боғлиқ эди, дейиш мумкин. Москвада Пролетар районининг меҳнаткашлари билан учрашувлар бўлди, сўнгра Ленинградга командировкага келдим. Ленинградлик ишчилар Марказий Комитет апрель Пленумининг қарорлари туфайли жамиятимизда юзага келган умидларни лўнда қилиб, жуда аниқ ва маънодор ифодалаб берганликлари эсимда: бошлаган ишингизни сабот билан давом эттирингиз, сўз билан иш орасида тафовут бўлишига йўл қўймангиз, дейишган эди улар. Ленинградликлар билан бугунги учрашувларда ҳам шу фикр янгради.

Бу — ўша пайтда Марказий Комитетга сиёсий наказ тарзида янграган оқилона тилаклар эди. Боз устига бу — партия учун қийин бўлган дамларда, совет жамияти турмушида кризис арафасидаги ҳолатлар ўткир сезила бошлаган пайтда меҳнаткашларнинг ўз партиясига берган ишонч мандати эди.

Партия, унинг Марказий Комитети халқдан олган ишонч мандатини оқлаш учун нималар қилишга муваффақ бўлганлиги, ҳозирча нималар қилишга муваффақ бўла олмаганлиги, нималар зудлик билан ҳаракат қилишни талаб этаётганлиги ҳақида яқинда гапирган эдим. Шундай бўлса-да асосий масала ҳақида бир неча оғиз гапириб ўтмоқчиман.

Ўтган вақт шуни аниқ-равшан айтиш имконини беради: ўша пайтда қабул этилган принципиал қарорлар тўғри бўлиб чиқди. Танлаб олинган йўл — ҳаёт эҳтиёжларига мос келадиган тўғри йўлдир. Бугун ленинградликлардан яна бир бор бунинг тасдиғини эшитдим.

Бу йўлни XXVII съезд аниқ стратегия тарзида, халқнинг кўпчилиги қўллаб-қувватлаган асосланган ҳаракат программаси тарзида ифодалаб берди. Революцион қайта қуриш концепциясини асослаб берган, уни мустаҳкам амалий изга қўйган январь ва июнь Пленумлари КПСС Марказий Комитети апрель Пленумининг, партия XXVII съездининг йўлини давом эттирди.

Ҳозир биз қайта қуришнинг бурилиш босқичида турибмиз, энди у турмушимизнинг моддий соҳасидан тортиб, то маънавий соҳасигача бўлган ҳамма жабҳаларига сингдириб юборилиши керак. Бу босқичнинг хусусияти — қайта қуриш жараёнларини чуқурлаштиришдан, бу жараёнларга кўп миллионлаб меҳнаткашлар оммасини, бутун бепоён мамлакатимизни жалб этишдан иборат. Шу сабабли ҳаммамиздан ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ гражданлик мардлиги, чинакам ишчанлик ва жуда юксак билимдонлик, жамики маънавий ва жисмоний кучларни ишга солиб ҳаракат қилиш талаб этилади. Ўртоқлар, биз Ленин сабоқларига, Октябрь анъаналарига қатъият билан амал қилиб, ўзимизни мана шундай ишларга шайлашимиз керак!

Ленинградликлар билан шу кунларда бўлган учрашув ва суҳбатлар мени шунга ишонтирдики, совет кишилари буни яхши англамоқдалар, қайта қуришнинг мана шу масъулиятли босқичидаги вазифалар нақадар мураккаб ва қийин бўлмасин, улар нақадар янги бўлмасин, бу вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун ҳамма ишни қилишга тайёрдирлар.

Партия ўзининг барча бўғинлари: ҳам юқори, ҳам ўрта, ҳам қуйи бўғинларида — қайта қуришнинг тақдири бевосита ҳал этиладиган жойларда қайта қуриш энергиясини кучайтирмоқда.

Партия авангардлик социал вазифасини амалга оширишини унинг ижтимоий тараққиёт муаммоларини идрок қилишдаги, шу тараққиёт эҳтиёжларига мос келадиган янги ғояларни ўртага ташлашдаги ижодкорлик, ташаббускорлик ролидан ажратиб бўлмайди.

Менинг назаримда, партия қисқа муддатда янги назарий, концептуал системани, қайта қуриш ва жадаллаштириш назарияси ҳамда практикасини вужудга келтиришга муваффақ бўлганлиги жуда муҳимдир, шунга асосланиб биз янги реалликларни эътиборга оладиган ўз ички ва халқаро сиёсатимизни шакллантиряпмиз.

Биз янгиланиш ва ривожланишга қодир бўлган мана шу ошкора ва жўшқин системани вужудга келтирар эканмиз, замон синовидан ўтган ўтмиш тажрибаси элементларига ҳам, энг муҳими эса — ленинча методологияга, Лениннинг социализм назарияси ва практикасига қўшган ҳиссасини идрок этишга ҳам таяндик. Ҳозир партия доимо идрок этиб, умумлаштириб бераётган янги амалий тажриба янги назарий хулосалар учун асос бўлиб хизмат қилади, бу эса ўз навбатида хўжалик, давлат ва социал-маданий қурилишнинг янги муаммоларини аниқлаб, ўртага қўйишга олиб боради, аввалгидек марксизм-ленинизм назариясини янада зўр бериб ишлаб чиқишни, мамлакатдаги бутун ижтимоий тафаккурни активлаштиришни талаб қилади.

Ҳозир биз жамиятимизнинг барча илғор, ижодий кучларини ҳар қачонгидан ҳам ҳафсала билан кенг ва чуқур тарзда бирлаштиришимиз керак. Шундай қилмай туриб, биз қайта қуриш муаммолари ва вазифаларини уддалай олмаймиз, совет жамиятини тараққиётнинг сифат жиҳатдан янги поғонасига кўтариш вазифасини ҳал эта олмаймиз. Бу ишни фақат партия, жамиятнинг бутун кучини бирлаштирувчи ленинчи партиямизгина қила олади.

Бизнинг партиямиз қудратли, ташкилий-сиёсий ва интеллектуал потенциалга эгалиги билан кучлидир. Мамлакатимиздаги 19 миллиондан кўпроқ коммунист 442 мингта бошланғич, 520 мингта цех партия ташкилотига ва 730 мингта партия группасига бирлашган. Бу ташкилот ва группалар ҳар бир корхона, қурилишда, совхоз, колхозда, илмий ва ўқув муассасасида, бошқарув органларида ишлаб, жамият турмушининг барча соҳаларига ўз таъсирини ўтказиб турибди.

Октябрь партияси унинг ишини давом эттирувчи революцион ўзгартишларнинг тақдири учун тарихий масъулиятни тўла-тўкис ўз зиммасига олди, бу ўзгартишларга бош бўлди. Ижтимоий турмушнинг истисносиз ҳамма соҳаларида кўп йиллар мобайнида тўпланиб қолган «тормозланиш механизми»ни бузиб ташлаш, турли-туман сусткашлик кучларини ҳаракатга келтириш, кўпгина меҳнаткашларимиз онгига сингиб қолган социал масалаларга бепарво қараш кайфиятини бартараф этиш, қайта қуриш муқаррарлигининг мустаҳкам кафолатларини вужудга келтириш — мана шуларнинг ҳаммаси 70 йил муқаддам бўлганидек ҳозир партиядан кучли сиёсий иродани, темир интизомни, ташаббускорлик билан ижодий, дадил амалий ҳаракатларни талаб қилмоқда.

Партия революцион қайта қуришга киришар экан, ишни ўзидан бошлади. У янгича сиёсий тафаккурга амал қилиб, қайта қуриш концепциясини турмушга татбиқ этиб, ўзининг иш формалари ва усулларини такомиллаштирмоқда. Жамият турмушининг барча соҳаларига таъсир ўтказишнинг ўз ихтиёридаги ҳамма қуролларини шайламоқда. Шу билан бирга энг муҳимини назарда тутиш керак: ҳар бир партия комитетининг фаолияти туфайли, ҳар бир коммунистнинг сўзи ва иши билан партия раҳбарлик ролига сазовор бўлмоқда, унинг шу роли қарор топмоқда. Кейинги вақтларда кўпгина партия комитетлари ва ташкилотларининг фаолиятида жиддий ўзгаришлар рўй бераётганини кўриб турибмиз. Улар янада зўр ғайрат ва сабот билан ишлай бошладилар, уларнинг одамлар

(Давоми иккинчи бетда).

